Ўткир РАҲМАТ.

Масалан, Амир Темур бобомиз ҳақида сўз кетганда, қўлнча унинг буюк саркарда ва қудратли давлат асосчиси сифатидаги сиймоси кўз олдимизда гавдаланади. Бироқ темирлар даврининг энг улуг ва бетакрор жиҳати шунда эдики, бу даврда сиёсий қудрат билан бир қаторда илм-фан, меъморчилик, адабиёт ва маданият ҳам юксак тараққиёт босқичига кўтарилди. Самарқанд нафақат салтанат пойтахти, балки дунёнинг энг гўзал ва маърифатли шаҳарларидан бирига айланди. Турли юртлардан меъморлар, олимлар, хаттотлар, наққошлар, шоирлар ва ҳунармандлар шу муқаддас заминга интилиб келди. Бу улкан бунёдкорликнинг туб моҳияти фақат шаҳар қуриш эмас, балки миллат руҳини юксалтириш, давлат шон-шарафини маданият орқали намоён этиш ва келажак авлодларга "Биз киммиз?" деган саволга муносиб жавоб қолдириш эди.

Мирзо Улуғбек номи эса илм ва давлат бошқаруви уйғунлигининг ёркин тимсоли сифатида тарихда қолди. У ҳукмдор бўла туриб, ўзини, аввало, илм аҳли деб билди. Унинг ташаббуси билан расадхоналар, мадрасалар барпо этилди, олимлар бир жойга жамланди, илмий муҳит шаклланди. Юлдузлар ҳаракатини ўрганган буюк алломанинг фаолияти бир ҳақиқатни яна бир бор исботлайди: илмни қадрлаган давлат ҳеч қачон заиф бўлмайди. Чунки илм билан қурилган шўхрат асрлар оша сўймайди, маърифат билан яратилган мерос эса инсоният хотирасида абадий яшайди.

Захриддин Мухаммад Бобур тарихда ҳам подшоҳ, ҳам юксак тафаккур ва нозик қалб соҳиби бўлган ижодкор сифатида ўчмас из қолдирди. "Бобурнома" — бу шунчаки ҳукмдор хотираси эмас, балки бутун бир даврнинг тирик қомуси, халқлар ҳаёти, шаҳарлар, табиат, урф-одатлар ва инсоний кечинмалар ҳақидаги ноёб маънавий хазина. Бобур қаламида Ватан соғинчи, инсон дурди, маданиятга муҳаббат ва ҳаёт фалсафаси мужассам эди. Шунинг учун ҳам унинг мероси асрлар оша ўз қадрини йўқотмай келмоқда.

Шайбонийхон даври ҳам илм-фан ҳамда маданий жараёнлардан четда қолмаган. Унинг атрофида шоирлар, уламолар, тарихчилар ва хаттотлар фаолият юритган. Узи ҳам шеърятга ошно бўлган ҳукмдор сифатида маданий муҳит ривожига муайян ҳисса қўшган. Бу эса юртимизда давлатчилик ва маърифат азалдан бири-бирини тўлдириб келганини кўрсатади.

Бу тарихий мисоллар бир ҳақиқатни яққол намоён этади: қудратли давлатлар, аввало, маънавиятга таянган. Маъ-

“Мамлакатимизда санъаткор, адиб, олим, муаллим, спортчи, ёш истеъдод эгаси — барчаси давлат эътиборида. Чунки Янги Ўзбекистон тараққиёти фақат иқтисодий рақамлар, қурилган иншоотлар ёки санаот кўрсаткичлари билан эмас, аввало, инсон салоҳияти, маънавий муҳит, ижод эркинлиги, ёшларнинг оғуш-интилишлари ва халқнинг келажакка ишончи билан белгиланади.”

рассомлар, бахшилар, устоз санъаткорлар давлатимизнинг юксак ордени ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланмоқда.

Аслида, бу муқофотлар фақат бир инсоннинг шахсий ютуғини эътироф этиш эмас. Бу — жамиятнинг ижодкорга, маънавиятга, сўзга, саҳнага, қўшиққа, китобга ва санъатга муносабати ўзгараётганининг ёркин ифодаси. Бир вақтлар "кўнгли иши" деб қаралган соҳалар бугун давлат сиёсати даражасида қадрланмоқда. Чунки ижодкорнинг қалби бедор жамиятда халқнинг руҳи ҳам уйғоқ бўлади. Санъат кадр толган муҳитда нафосат, эзгулик, меҳр-оқибат ва ватанпарварлик туйғулари кучаяди. Адабиёт ўқилган юрда инсон қалби тозариб, тафаккури юксалади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бугун ўзбек санъати, адабиёти, мусикаси ва маданияти нафақат мамлакат ичиде, балки халқро майдонда ҳам муносиб эътироф этилаётди. Ижодкорларимиз нуфузли халқро фестиваллар, маданий форумлар ва анжуманларда фаол қатнашиб, миллий маданиятимизнинг бой ва бетакрор қиёфасини дунёга намоён этмоқда. Айрим санъат ва маданият намоёндаларининг қўшни ва қардош мамлакатларнинг юксак муқофотларига сазовор бўлаётгани ҳам бежиз эмас. Бу, аввало, уларнинг истеъдоди ҳамда фи-

замирида халқимиз тарихи, маънавияти, илми ва келажакни бирлаштирувчи улуг ғоя мужассам. Бу масканлар — миллат хотираси, халқ руҳи ва келажак тафаккурининг тимсоли.

Давлатимиз раҳбари бу каби иншоотлар халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолиши, уч минг йиллик бой тарихимизни дунё ҳамжамиятига ва келажак авлодларга етказадиган илм-маърифат ўчоғига айланиши кераклигини алоҳида таъкидламоқда. Бу қараш замирида бир муҳим ҳақиқат мужассам: тарихни ангаган миллатгина келажакни ишонч билан кура олади.

Биргина Имом Бухорий мажмуасининг қайта бунёд этилиши мамлакатимизда маърифатга қаратилаётган юксак эътиборнинг ёркин намунаси бўлди. Қурилиш жараёнида мажмуа ҳудуди 44 гектарга етказилди, ўн минг кишилик муҳташам масжид, музей ва бошқа зарур иншоотлар барпо этилди. Бироқ бу ердаги энг муҳим жиҳат фақат меъморий кўлам ёки ташқи муҳташамлик эмас. Энг асосийси, мазкур маскан зиярат жойигина бўлиб қолмай, илм-маърифат, тарбия ва ибрат мактабига айлантирилмоқда.

Аслида, айни бунёдкорлик ишларини фақат қурилиш ёки меъморий лойиҳа сифатида баҳолаш тор доирадаги қараш

— келажакка йўл очадиган маърифат мактаби, тафаккур ва илм мулоқоти майдони. Бу ерда буюк муҳаддислар, мутафаккирлар, уламолар ва алломалар мероси замонавий илмий ёндашувлар асосида ўрганилмоқда, тадқиқ этилмоқда ва бутун дунёга кенг тарғиб қилинаётди. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг ўз тарихи билан фахрлинигина қолмай, уни замонавий тараққиёт манбаи сифатида англаётганини кўрсатади.

Тараққиётнинг икки қаноти

Бу жараёнларда ёшлар масаласи алоҳида ва хал қилувчи ўрин тутади. Чунки ҳар қандай ислохотнинг ҳақиқий натижаси, аввало, ёш авлоднинг дунёқарашиде, оғуш-интилишларида, ҳарақати ва қалбида намоён бўлади.

Бугун Ўзбекистон ёшлари илм-фан, спорт, маданият, технология ва тадбиркорлик соҳаларида ўз салоҳиятини намоён этиб, жаҳон майдонларида муносиб иштирок этаётди. Президент мактаблари, ижод мактаблари, иختисослаштирилган таълим муассасалари, замонавий спорт инфратузилмаси, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими — буларнинг барчаси янги авлод учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Энг муҳими, бу ислохотлар ёшларни билимли, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, ташаббускор ва рақобатбардош инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилапти.

Спортчиларимизнинг халқро майдонларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам халқимиз қалбида миллий гурур ва ифтихор туйғусини янада мустахкамламоқда. Олимпияда ва жаҳон чемпионатларидаги муваффақиятлар, шахмат, бокс, дзюдо, оғир атлетика, кураш, таэквондо, гимнастика каби қатор спорт турларидаги галабалар юртимизда инсон салоҳиятига қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий самарасидир.

Айниқса, шахмат соҳасидаги ютуқлар бутун дунёга ўзбек ёшларининг интеллектуал салоҳияти, стратегик тафаккури, матонати ва сабр-бардошини намоён этади. Ўзбекистон эркаклар терма жамоасининг 44-шахмат олимпиядасида чемпионлиқни қўлга киритгани, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов каби ёш гроссмейстерларимизнинг жаҳон шахматига етакчилар сафидан мустахкам ўрин эгаллаётгани мамлакатимизда юксак интеллектуал мактаб шаклланиётганининг ёркин далили.

лажакка ишончига ва миллий ўзлигига хизмат қиладиган катта маънавий воқеалikka айланади.

Шу маънода, бугунги Ўзбекистон манзарасига назар ташласак, бир томондан, қадимий меросимиз қайта тикланаётганини, иккинчи томондан эса янги авлоднинг дунё саҳналари ва майдонларида муваффақият қозонаётганини кўраимиз. Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аждодлар мероси янада тэрар англаймоқда. Айни пайтда замонавий ёшларимиз илм-фан, спорт, санъат, технология ва тадбиркорлик соҳаларида янги марраларни забт этмоқда. Бу икки қанот — тарих ва келажак, мерос ва инновация, маърифат ва ҳаракат Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустахкам таянчидир.

Миллат қудрати

Бугун юртимизда маънавият қуруқ шюро ёки баландпарвоз қаҳирок эмас, балки амалий ҳаракатга айланмоқда. Китобхонлик маданияти тарғиб этилаётгани, миллий кино ва театр санъатига эътибор кучаяётгани, музейлар янгиланаётгани, тарихий обидалар тикланаётгани, ижодкорлар қўллаб-қувватланаётгани, ёш истеъдодлар рағбатлантирилаётгани — буларнинг барчаси ягона ва улуг мақсадга хизмат қилаётди. Бу мақсад халқимизнинг маънавий имунитетини мустахкамлаш, ёш авлодни жаҳолат, бефарқлик ва маънавий бегоналашувдан асраш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий гурур ва умиминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашдир. Зеро, маънавияти кучли халқни ҳеч қандай ташқи таҳдид енголмайди. Чунки юксак тафаккур ва мустахкам руҳ — миллатнинг энг катта қудрати.

Бугунги дунёда ахборот майдони тобора мураккаблашиб, ғоявий курашлар кескин тус олмақда. Турли мафкуравий таъсирлар, ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидлар қучайиб бораётган бундай шароитда фақат маърифатли жамиятгина ўз йўлини йўқотмайди. Илми ёшлар, китоб ўқийдиган авлод, санъатли қадрлайдиган халқ, ўз тарихи ва миллий ўзлигини англайдиган миллат ҳар қандай синовдан муносиб ўта олади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда маданият, маънавият ва илм-фанга қаратилаётган эътибор фақат ижтимоий ёки маданий сибасат эмас, балки мамлакат ҳавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва келажак билан бевосита боғлиқ стратегик масаладир.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЭКСПОРТЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси ташаббуси билан Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Бразилия савдо уйи ташкил этилди ва расман ўз фаолиятини бошлади.

Хушхабар

Ушбу тузилма маҳаллий қонунчиликка мувофиқ тўлиқ рўйхатдан ўтказилди ва бундан буюн "Brazilian — Uzbekistan Trade House Ltd." номи остида савдо компанияси мақомида иш юритади.

Янги ташкилот учун шартнома муносабатларини тузиш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон маҳсулотларини Бразилия бозорига фаол илгари суриш имконини берувчи барча зарур ҳуқуқий ва институционал шарт-шароитлар яратилган.

Иқтисодий таҳлилчиларнинг таъкидлашича, савдо уйининг айнан Рио-де-Жанейрода очилиши стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мегаполис Бразилиянинг асосий молиявий, сайёҳлик, транспорт ва логистика марказларидан бири ҳисобланади.

Бунинг натижасида ўзбекистонлик экспортчилар учун нафақат Бразилия бозорига, балки МЕРКОСУР буюк мамлакатлари — Аргентина, Чили, Парагвай ва Уругвай, шунингдек, Лотин Америкасининг бошқа етакчи давлатлари, жумладан, Перу ва Колумбия бозорларига чиқиш учун қўшимча имкониятлар очилмоқда.

Савдо уйи Ўзбекистон ҳамда Бразилия ишбилармон доиралари ўртасида доимий мулоқот майдони ва тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатишнинг ишончли механизмига айланиши кутилмоқда.

Ушбу ўзбек савдо компанияси логистика, мультимодал ташувлар, тижорат операцияларини амалга ошириш жараёнида омбор ва порт иншоотлари, фратузилмасидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни хал қилишда ёрдам беради.

Ўзбекистон ва ЕОИИ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Шу даврдан эътиборан, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги барқарор, тизимли ва амалий йўналиш касб этади. Иттифоқ билан ҳамкорлик бўйича идоралараро ишчи гуруҳ ташкил қилинди, Евроосий иқтисодий комиссияси билан доимий маслаҳатлашув механизми йўлга қўйилди. Ўзбекистон ҳукумати ва ЕИК ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Кейинчалик томонлар савдо, санаот, транспорт, молия соҳаси ва рақамли технологияларни қамраб олган қўшма уч йиллик шериклик режаларини амалга оширишга ўтди.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ тадбирларидаги юқори даражадаги иштироки ҳам фаоллашди. 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Президенти мунтазам равишда Олий Евроосий иқтисодий кенгаши йиғилишларида, ҳукумат вакиллари эса Евроосий ҳукуматлараро кенгаши ишларида қатнашмоқда. Бу ҳамкорликнинг изчил ривожланаётганини

ва томонларнинг ўзаро алоқаларни кенгайтиришга қизиқиши ортиб бораётганини кўрсатади. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ЕОИИ давлатлари билан ҳамкорлиги барқарор ижобий динамикани намоён қилди. Евроосий макони республика ташқи савдосининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаётди. 2025 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ЕОИИ давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 20 миллиард АҚШ долларидан ошди. Иттифоқ давлатларининг республика ташқи савдосидаги улуши эса мамлакат умумий ташқи савдо айланмасининг қарий чорак қисmini ташкил қилди.

Ўзбекистон ЕОИИнинг қатор тармоқ ташаббуслари ва лойиҳаларида ҳам иштирок этмоқда. Улар қаторига электрон тижоратни ривожлантириш, темир йўлда юк ташувларини рақамлаштириш, "Евроосий агроэкспресс" лойиҳасини амалга ошириш, иқлим кун тартиби

бўйича ҳамкорлик қиради. Ушбу йўналишлар логистика харажатларини камайтириш, трансчегаравий савдонинг соддалаштириши ва Евроосий макондаги транспорт йўлақлари ўзаро боғлиқлигини оширишга хизмат қилапти.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистоннинг Евроосий иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги савдо-иқтисодий соҳадан ташқари рақамли трансформация, технологик ҳамкорлик ва қўшма ишлаш ҳажми 20 миллиард АҚШ долларидан ошди. Иттифоқ давлатларининг республика ташқи савдосидаги улуши эса мамлакат умумий ташқи савдо айланмасининг қарий чорак қисmini ташкил қилди.

Ўзбекистон учун Евроосий йўналиши иқтисодий модернизация, санаот кооперациясини ривожлантириш ва транспорт-логистика боғлиқлигини мустахкамлаш стратегиясининг муҳим

элементи бўлиб қолаётди. Шу билан бирга, республика интеграцион жараёнларда миллий иқтисодий манфаатлар ва ўзаро манфаат тамойилидан келиб чиққан ҳолда мослашувчан ҳамда прагматик иштирок моделни сақлаб қолмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти трансформацияси, бозорлар учун рақобат кучайиши ва глобал логистика йўналишлари ўзгараётган шароитда ЕОИИ билан ҳамкорлик Тошкент томонидан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш воситаларидан бири сифатида қаралмоқда. Шу боис Ўзбекистон келгусида ҳам Евроосий иқтисодий иттифоқи давлатлари билан амалий ҳамкорликни мустахкамлаш, кооперациянинг янги йўналишларини ривожлантириш ва минтақавий тараққиётнинг муҳим масалалари бўйича конструктив мулоқотни қўллаб-қувватлаш ниятида.

«Дунё» АА.

Эндиликда умумий овқатланиш ва меҳмонхона хизматлари соҳасида ходимларни соддалаштирилган тартибда, яъни бир кунлик ёки 7 кунлик каби қисқа муддатга ҳам ёллаш мумкин бўлади.

Нуктаи назар

ЭНЕРГЕТИК БАРҚАРОРЛИК — КЕЛАЖАК МАСАЛАСИ



Бугун дунё иқтисодий тараққиётини энергия ресурсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Электр энергияси ва табиий газ саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, таълим, тиббиёт ва оддий хонадон ҳаётининг узлуқсиз ишлашини таъминлайдиган стратегик омилга айланди.

Сўнгги йилларда юртимизда энергия ресурсларига талаб кескин ошди. Бу табиий жараён. Чунки аҳоли сони кўпайиб, янги уй-жойлар қурилмоқда, иқтисодиёт тармоқлари кенгайяпти. 350 мингдан ортиқ янги хонадонлар фойдаланишга топширилгани ҳам энергияга эҳтиёж қандай суръатда ўсиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги хонадонни 20 — 30 йил аввалгисига қараганда таъмирлаш бўлмайди. Илгари бир хонадонда 3-4 та лампа, битта телевизор ва музлаткич бўлган бўлса, ҳозир кондиционерлар, компьютерлар, кир ва идиш ювиш машиналари, микротўқинли печлар, ўнлаб мобил қурилмалар кундалик эҳтиёжга айланган. Қиш фаслида эса табиий газга талаб кескин ортиши барчага маълум.

Бирок масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Мамлакатимиздаги энергетика инфратузилмасининг катта қисми ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида қурилган. 10 киловольтли электр тармоқларининг қарийб ярми 40 йилдан ортиқ вақт давомида ишлатилмоқда. 0,4 киловольтли тармоқларнинг ҳам катта қисми маънан ва жисмонан эскирган.

Табиий газ тармоқларида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Кейинги йилларда юзлаб километрик магистраль кувурлар ва минглаб газ тақсимлаш пунктларини таъмирлашга тўғри келгани тизимда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар қанчалик катта эканини кўрсатади.

Эски тармоқлар нафақат узлишларга, балки катта йўқотишларга ҳам сабаб бўлмоқда.

Бир йилда техник йўқотишлар ҳисобига бой берилмаётган 6 миллиард киловатт-соат электр энергияси 2,5 миллиарддан ортиқ хонадонларнинг қарийб етти ойлик эҳтиёжга тенг. Бу рақамнинг ўзиёқ тармоқларни модернизация қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланганини аниқлатади.

Шу боис сўнгги йилларда энергетика соҳасида кенг қўлланми янгилаш ишлари бошланди. 2017 — 2025 йилларда 76 миң километрик электр тармоқлари ва 24 миңга трансформатор янгиланди. 7,415 мегаватт қувватга эга замонавий, энергия тежамкор иссиқлик электр станциялари ишга туширилди.

Табиий газ соҳасида ҳам юзлаб километрик магистраль кувурлар таъмирланди, янги тармоқлар қурилди. Бу ишлар аҳолига барқарор ва хавфсиз табиий газ етказиб бериш учун амалга оширилмоқда.

Хилола ЮСУПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Учинчи РЕНЕССАНСНИНГ МАЪНАВИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПОЙДЕВОРИ

Таниқли сиёсатшунос ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг "Халқ сўзи" газетасида эълон қилинган "Миллат шавкати" номли мақоласини катта ҳаяжон ва чуқур тафаккур билан мутолаа этдим. Уни ўқиш жараёнида бир зиёли сифатида қалбимда миллатимизнинг шонли тарихи ҳамда порлоқ келажагига ишонч яна бир бор аланга олди. Ушбу мақолани шунчаки бир публицистик чиқиш эмас, балки Янги Ўзбекистон давлатчилигининг маънавий кодекси, десак, муболага бўлмайди. Мен мазкур асарни Учинчи Ренессанс стратегиясининг концептуал таҳлили сифатида қабул қилдим.



Шуқри, мамлакатимиз етакчисининг сиёсий иродаси туфайли бундай салбий ҳолатлар, айниқса, "пахта қуллиги" энди тарихда қолди. Ҳамма соҳа ўз эгасига, жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам ер фермер ва кластерларга топширилгани туфайли эзгу мақсадларга эришилди.

Муаллиф мақолада яқин ўтмишдаги "пахта ва галла" мафқурасининг онгимиздаги занжирлари ҳақида жасорат билан фикр юритган. Бу биз учун энг оғриқли ва муҳим нуқта. Яқин давримда талабаларимиз ва олимларимиз пахта далаларида ўз умрини, илмини сарфлади. Давлатимиз раҳбарининг тарихий хизмати шундаки, у миллатнинг интеллектуал салоҳиятини эгтарлар орасидан кутқариб, замонавий лабораториялар ва рақамли технологиялар оламига олиб кирди. Мақолани ўқиркансиз, бугунги илм-фанга берилмаётган эъти-

ларнинг тажрибалари юртимиз раёнаки йўлида муҳим эканини таъкидлаётгани бежиз эмас. Бу уларни янги марралар сари илҳомлантиради. Орттирган тажрибалари билан ўртоқлашишига давбат этади.

Президентимизнинг бир ибораси ҳар доим ёдга келаверади: "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир". Чиндан ҳам, бугун биз улуг ниятлар билан пойдеворини қўётган янги Ўйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровонлаштиришга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади. Ўз тарихида не не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ҳамда маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олийжаноб фазилатларига таяниб, ўз олдими қўйган эзгу мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

Акс садо

Мақолада Самарқанднинг тарихий шўхрати, Амир Темури ҳамда Мирзо Улугбек аъёнларининг қайта тикланиши ҳақида сўз борар экан, муаллиф жуда нозик бир нуқта — илм ва давлатчилик уйғунлигига эътибор қаратади. Бугунги олий таълим тизимидаги ислохотларнинг бош ғояси ҳам айнан шу — Мирзо Улугбек академиясидан бошланган маърифий қудратни замон талаблари асосида қайта жонлантиришдир.



Қачонки, ёш авлод замонавий илм-фанни, сунъий интеллектни ва чет тилларни мукамал эгалласа, ана ўшанда миллатнинг шавкати юксалади.

дид боболаримизнинг о р з у с и бўлган "маърифатли миллат"ни воёга етказиш ҳаракатининг амалий давоми.

Халқимиз хамиша устозларни эъзозлаб, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб келган. "Устоз отангдан улуг" деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзлар қоғозда эмас, амалда қарор толган, муаллимнинг қадри-қиммати жойига қўйилмаётган даврда яшаймиз.

Табии тизимдаги ислохотлар ҳақида сўз кетганда, кейинги йилларда олий таълим масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиман. Амалга оширилган ислохотлар натижасида ўтган тўққиз йил ичида олий ўқув юртилари сони қарийб 3 баробар кўпайиб, талабалар сони 250 миңдан 1,5 миллионга етди. Ёшлар учун уларга қиришга танлов имконияти кўпайтирилди. Мазкур таълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг ойлиги сезиларли даражада оширилди. Фаннинг муайян соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, аниқ натижага эришаётган олимларимизнинг асосий қисмини профессор-ўқитувчилар ташкил этаётгани, айниқса, эътиборлидир.

«Университет — инсон капитали учун»

Мақолада давлатимиз раҳбарининг "инсон қадрини учун" тамойили Самарқанддаги илк ислохотлари мисолида маҳорат билан очиб берилган. Биз, таълим соҳаси вакиллари учун бу катта сабоқ, Бугун олий таълим муассасаларида талаба ва профессор-ўқитувчининг қадрини ошириш, уларга муносиб шaroит яратиш давлатимиз раҳбарининг ўша йиллардаги жасоратли қадамларининг мантйқий давомидир. Мақолада айтилганидек, "Давлат — халқ учун" тамойили олий таълимда "Университет — инсон капитали учун" деган мақсадга айланади.

Президентимизнинг давлатчилик сиёсатида "Илм-фан — тараққиётнинг локомотиви" деган широк асосий мезон этиб белгилангани бежиз эмас. "Миллат шавкати" маънасида тилга олинган ҳар бир ислохот, ҳар бир тарихий ўзгариш, аслида, таълим тизимидаги инқилобий янгилашлар билан узвий боғлиқ. Биз бугун қандай давлатни, қандай иқтисодиётни ва қандай жамиятни қўраётимиз? Жаовоб битта. Биз интеллектуал салоҳияти юксак миллатни қўраётимиз. Шу нуқтаи назардан, олий таълим тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар — бу жа-

«Пахта қуллиги» тарихда қолди

Яширишнинг ҳолати йўқ, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўз бошқа, иш бошқа бўлган кезларни бошдан ўтказдик. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки ҳимоясиз қатламга айланган қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четга сурилиб, уларни ўзларига мулқалоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди. Янаям очирқок айтсак, муаллимларнинг "хўжайини" қўлайиб кетди. Бундай ноҳўйи вазифага бир четга сурилиб, уларни ўзларига мулқалоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди. Янаям очирқок айтсак, муаллимларнинг "хўжайини" қўлайиб кетди. Бундай ноҳўйи вазифага бир четга сурилиб, уларни ўзларига мулқалоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди.

Яширишнинг ҳолати йўқ, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўз бошқа, иш бошқа бўлган кезларни бошдан ўтказдик. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки ҳимоясиз қатламга айланган қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четга сурилиб, уларни ўзларига мулқалоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди. Янаям очирқок айтсак, муаллимларнинг "хўжайини" қўлайиб кетди. Бундай ноҳўйи вазифага бир четга сурилиб, уларни ўзларига мулқалоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди.

«Пахта қуллиги» тарихда қолди

Яширишнинг ҳолати йўқ, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўз бошқа, иш бошқа бўлган кезларни бошдан ўтказдик. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки ҳимоясиз қатламга айланган қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четга сурилиб, уларни ўзларига мулқалоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди. Янаям очирқок айтсак, муаллимларнинг "хўжайини" қўлайиб кетди. Бундай ноҳўйи вазифага бир четга сурилиб, уларни ўзларига мулқалоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди.

бор — Президентимизнинг узоқ йиллик орзулари ва стратегик режаларининг рўеби эканини яққол ҳис қиласиз.

Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, "илиги тўқ" ҳалқимиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор. Ҳаммамиз яхши тушунамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш беш — ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак. Биз истеъдодга парварिश зарурлигини, агар ўз вақтида шароит яратиб берилмаса, ҳар қандай иқтидор ҳам сўниб қолиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари илм-маърифат бобида катта ютуқларни қўлга киритаётган ёшлар билан учрашувларида

Эртанги кунга киритилган инвестиция

Муаллиф мақола марказига "Миллат шавкати" ғоясини қўра экан, бунга замонавий таълим билан илҳомланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган "Таълимда инқилоб қилиш" ташаббуси айнан мана шу нуфузни тиклаш учун зарур эди. Олийоҳоларнинг очиклик сиёсати, халқорой рейтинглар, нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорлик — буларнинг барчаси миллатимизнинг интеллектуал салоҳиятини глобал даражага олиб чиқаш учун хизмат қилмоқда.

Мақолада баён этилганидек, хайрия ва иқтимоий ҳимоя тadbирлари, айниқса, ёшларнинг, эҳтиётиманд оилақар фарзандларининг таълим олишига гамхўрлик — давлатнинг энг олий мақсади. Биз учун талабанинг иқтимоий ҳимояси, унга яратилган шароитлар, бу — миллатнинг эртанги кунига киритилган энг катта инвестициядир.

Биз бугун мақолада таърифланган улкан эришлишлар даврида яшамокдамыз ва бу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг интеллектуал драйверга айлантириш бизнинг бош мақсадимиз бўлиб қолмоқда.

Шўхрат БОЙМУРАДОВ, Тошкент давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ



Тарихий ўзгаришлар даври

2017 йил мамлакат гидроэнергетика тарихида туб бурилиш, мислсиз ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Сабоби ўша йили Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти ташкил этилиб, узоқ йиллар эътибордан четда қолган тармоқни марказлашган ҳолда ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, замонавий бошқарув тизимини яратиш бўйича кенг қамровли ишлар бошланди.

Арзон ва барқарор қувват манбаи

Гидроэнергетика узоқ муддатли ва иқтисодий самарадор экан билан алоҳида ажралиб туради. Чунки сув табиий ва қайта тикланувчи ресурс эмасми, у орқали электр энергияси ишлаб чиқариш таннархи нисбатан паст бўлади. Бу жараёнда атмосферага зарарли чиқиндилар чиқармаслиги унинг "яшил" иқтисодиёт тамойилларига тўлиқ мос келишини тасдиқлайди. Қолаверса, ГЭСлар электр энергияси ишлаб чиқаришда барқарор манба ҳисобланади. Яъни қуёш ва шамол энергетикасидан фарқли равишда гидроэнергетика энергия тизимидаги юктамаларни бошқариш имконини беради. Айниқса, гидротўplash электр станцияларининг қурилиши келажақда энергияни сақлаш ва тизим барқарорлигини таъминлашда кўл келади.

Бундай "яшил" лойиҳалар нафақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки экологик барқарорлиқни таъминлаш, углерод чиқиндиларини қисқартириш ва атмосфера мусофоллигини сақлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Арзон ва барқарор қувват манбаи

Гидроэнергетика узоқ муддатли ва иқтисодий самарадор экан билан алоҳида ажралиб туради. Чунки сув табиий ва қайта тикланувчи ресурс эмасми, у орқали электр энергияси ишлаб чиқариш таннархи нисбатан паст бўлади. Бу жараёнда атмосферага зарарли чиқиндилар чиқармаслиги унинг "яшил" иқтисодиёт тамойилларига тўлиқ мос келишини тасдиқлайди. Қолаверса, ГЭСлар электр энергияси ишлаб чиқаришда барқарор манба ҳисобланади. Яъни қуёш ва шамол энергетикасидан фарқли равишда гидроэнергетика энергия тизимидаги юктамаларни бошқариш имконини беради. Айниқса, гидротўplash электр станцияларининг қурилиши келажақда энергияни сақлаш ва тизим барқарорлигини таъминлашда кўл келади.

Гап шундаки, ушбу ҳужжат асосида 2026 — 2032 йилларда умумий қиймати 5,8 миллиард долларлик 73 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида гидроэнергетика қувватлари 2,4 баравар оширилади, 3266 МВт қўшимча қувват яратилади, 1400 МВтлик гидротўplash электр станциялари қурилади.

Мазкур режалар ҳаётга татбиқ қилинса, мамлакат энергетика тизимининг барқарорлиги мулқалоқаси янги босқичга чиқиси, шубҳасиз. Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири бу "милий лойиҳа" модели жорий этилаётганидир. Унга қўра, лойиҳа-қидирув, лойиҳалаш, қурилиш, муҳандислик ишлари, ускуна ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий корхоналар иштироки кенгайтирилади. Бу эса ички иқтисодий фоллиқини оширади, саноат кооперациясини ва технологиялар трансферини ривожлантиради. Шунингдек, минглаб янги иш ўринларини яратади.

2026 — 2032 йилларда айнан шу модель асосида 550 МВт янги қувватлар яратилиши режалаштирилгани унинг амалий аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди. Шу маънода, "милий лойиҳа" моделини ички салоҳиятга таянган тараққиёт йўли дейиш мумкин.

Миллий саноатда янги қадам

Гидроэнергетика соҳаси улкан сармога талаб қиладиган тармоқлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, сўнгги йилларда

юртимизда амалга оширилаётган оқилона инвестиция сиёсати соҳани сарможий жозибадорлиги ва салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлди. Ўтган давр мубайнада акциядорлик жамияти томонидан 1 миллиард 301 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилгани фикримиз тасдиғидир. Шундан 271,8 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 320,2 миллион доллар хорижий кредитлар, 709,5 миллион доллар жамиятнинг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келди.

Ушбу рақамлар халқорой молия институтлари ва инвесторлар томонидан Ўзбекистонга, жумладан, гидроэнергетика соҳасига ишонч тобора ортиб бораётганини аниқлатади. Таҳлилларга қараганда, чет эл инвестиция маблағлари нафақат янги объектлар қурилишига, балки мавжуд инфратузилмани модернизациялашга ҳам йўналтирилди. Хусусан, жамият таркибидеги 13 та ГЭС модернизация қилинган ишлаб чиқариш самардорлиги ортиб, энергия йўқотишлари камайди ва технологик барқарорлик мустаҳкамланди.

Марказий Осиёдаги гидроагрегат ва технология ускуналар ишлаб чиқаришга иختисослаштирилган илк йирик саноат мажмуаси — "UzHydroPower" заводи Ўзбекистонда ишга туширилиши ҳам чет эллик ҳамкорларнинг юксак ишончининг ёрқин намунасидир. Мазкур завод Хитой компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, бу ерда 40 МВтгача бўлган гидроагрегат ускуналарини ишлаб чиқариш ма-

ҳаллийлаштирилди. "Made in Uzbekistan" миллий бренди остида етказиб берилмаётган маҳаллий маҳсулотлар нарх ва сифат бобида рақобатбардosh.

Қиёсий таҳлилларнинг кўрсатишича, ўзимизнинг гидроагрегат ва технология ускуналар Хитой маҳсулотларига нисбатан 18 фоиз, Россияникидан бўлса 27 фоиз арзон. Бу эса импорт ўрнини босиш, миллий саноат кооперациясини ривожлантириш ва иш ўринлари яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Энг муҳими, гидроэнергетика соҳасида тўлиқ кластер тизими шаклланди. Энди лойиҳалаштиришдан тортиб ускуна ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларнинг катта қисми маҳаллий мутахассислар ва корхоналар томонидан амалга оширилаётди.

Булардан аниқлаштирилган гидроэнергетика соҳаси бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бирига айланмоқда. Зотан, "яшил" иқтисодиётга таянган энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қайта тикланувчи энергия улушини кўпайтириш борасида амалга оширилган кенг қўлланми ислохотларда мазкур соҳа иштироки тобора ортиб борапти. Пировадда гидроэнергетика жадал ўзгаришга юз тутиб, Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт стратегиясида ҳал қилувчи муҳим йўналишлардан бири сифатида тарихга кирмоқда.

Ислом АБДУРАҲМОНОВ, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ бошқаруви раиси.

«Uzbekistan Airways» авиакомпанияси хабарига кўра, Гуанчжоу — Тошкент йўналишидаги илк қатнов муваффақиятли амалга оширилди.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, including contact information for the editor-in-chief, subscription details, and a QR code.